

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

«Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик» факультети

**“УЗОҚ ШАРҚ МИНТАҚАСИ ИҚТИСОДИЁТИ ВА
МАМЛАКАТШУНОСЛИК” КАФЕДРАСИ**

КУРС ИШИ

**Мавзу: КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖАҲОН-МОЛИЯВИЙ
ИҚТИСОДИЙ ИНҶИРОЗИГА ҚАРШИ ДАСТУРИ**

Бакалавриат йўналиши: 5341000 Минтақашунослик (иктисод ва
мамлакатшунослик)

Топширди: ХМИ 4-курс
корейс-инглиз гурухи
талабаси Аюбжонова Азиза

Илмий раҳбар: Фуломова Г.П.

ТОШКЕНТ – 2010

Режа:

Кириш

1. Корея Республикаси иқтисодий ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва давлатнинг иқтисодий сиёсати.
2. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирозларининг оқибатларини бартараф этиш бўйича давлат чоралари.
3. Давлат корхоналарини таркибий қайта қуриш – инқироз таъсирини камайтириш омили сифатида

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Ўзбекистонда хўжалик юритишнинг бозор шакллари ривожланиши ва кўп укладли иқтисодиёт шаклланиши билан характерланувчи бозор ислоҳотларининг чуқурлашуви бошқарувнинг молиявий-иктисодий тизими аҳамиятини тубдан ўзгартирди. Бунга боғлиқ ҳолда бугун мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг ва глобал молиявий-иктисодий бозорнинг таркибий қисми эканлигига алоҳида эътибор бериш керак.

Иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш ва миллий иқтисодиётни модернизация қилиш, уни уни таркибий қайта қуриш ва молия-валюта тизимини мустаҳкамлашхўжалик субъектлари капитализацияси ва ликвидлигини ошириш, молиявий-иктисодий инқироз оқибатларини юмшатиш зарурияти республика ривожланиш йўналишларига мос бўлган кризисга қарши дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб этди.

Кризисга қарши дастурда белгиланган вазифаларни ҳал этиш глобал рецессиянинг салбий таъсирини камайтириш ва Ўзбекистон иқтисодиёти молиявий барқарорлигини таъминлаш, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш имконини берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек: “Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш борасида эришган ютуқлари нуфузли халқаро молия ташкилотлари ва иқтисодий институтлар, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва дунёнинг бошқа қатор етакчи молиявий институтлари томонидан эътироф этилди”¹

Шу билан бирга жаҳон молиявий-иктисодий инқирози оқибатларини юмшатишнинг механизмлари ва воситалари турли мамлакатларда етарли даражада хилма-хилдир, бу эса бошқарувнинг барча шакллари ва услубларини, бозор трансформациясининг миллий модели хусусиятларини инобатга олган ҳолда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш устиворликларини комплекс ўрганиш заруратини вужудга келтиради.

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. – 50-б.

Ушбу курс ишининг мақсади – Корея Республикасининг 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иктисодий инқирози оқибатларини бартараф этишга қаратилган сиёсатини ўрганишдан иборат.

Бу мақсадга мувоғик равишда қўйидаги масалалар кўриб чиқилди:

- Корея Республикаси иқтисодий ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва давлатнинг иқтисодий сиёсати
- Жаҳон молиявий-иктисодий инқирозларининг оқибатларини бартараф этиш бўйича давлат чоралари
- Давлат корхоналарини таркибий қайта қуриш – инқироз таъсирини камайтириш омили сифатида.

1. Корея Республикаси иқтисодий ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва давлатнинг иқтисодий сиёсати

2008-2009 йилларда давом этган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунёning барча ривожланган мамлакатларининг молиявий тизимига жиддий таъсир кўрсатди ва турли мамлакатлар иқтисодиётiga зарап келтирди. Аввал банк тизимлари, фонд бозорлари зарап кўрди, ликвидлик инқирози юз берди. Кўпчилик корхона ва кредит ташкилотларининг синиши тадбиркорлик фаоллигига салбий таъсир кўрсатди ва ишлаб чиқаришнинг қисқариши юз берди, бунинг натижасида кўплаб инвестиция лойиҳалари амалга оширилмади, иш ўринлари қисқарди. Инқироз жаҳон хўжалик тизимига у ёки бу даражада қўшилган миллий иқтисодиётларга, ташқи савдо муносабатларига салбий таъсир кўрсатди. Юзага келган вазият ривожланган мамлакатлар хукumatларини инқироздан чиқиш йўлларини излаш мақсадида кучларини бирлаштириш, шунингдек, ишлаб чиқаришни қўллаб-куватлаш ва миллий иқтисодиётни барқарорлаштириш вазифасини ҳал этиш учун ички имкониятлари ва салоҳиятидан фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Бу маънода Корея Республикаси хукumatининг инқирозга қарши дастурини ўрганиш мухим бўлиб, унинг асосини инновацион ёндашув, кучли молиявий захира ва миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш қобилияти ташкил этади.

Корея Республикаси Осиё-Тинч океани минтақасининг энг жадал ривожланаётган ва юқори салоҳиятли иқтисодиётга эга мамлакатлардан ҳисобланиб, ҳозирги кунда у ЯИМнинг номинал қиймати бўйича ОТМда 4-дунёда 10-ўринни эгаллайди. Шунга қарамай ЯИМнинг йилига 4% атрофида ўсиши ва 2008 йилда бошланган жаҳон-моливий иқтисодий инқирози мамлакатда иқтисодий ривожланиш масалалари, молия ва ташқи савдо соҳасида халқаро муносабатларни кенгайтириш, инқироз жараёни оқибатларини бартараф этиш мамлакат олдига талай тезликда ҳал қилиниши зарур бўлган масалаларни қўйди.

Жанубий Корея иқтисодиёти ривожланиши жараёнини таҳлил этиш унда давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш тарихини бир неча босқичга ажратишни тақозо этади.

- биринчи босқич Ли Син Ман президентлиги даврига (1948-1960й.) тўғри келиб, унга хос бўлган хусусият далат томонидан иқтисодиётни бошқариш тузилмаси шаклланганлигидир. Бу даврда давлат сектори шаклланди. Иқтисодий фаолиятни дастлабки стратегик дастурлар ва режаларни ишлаш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўли билан тартибга солишга ҳаракат қилинди.

Бу давр Корея иқтисодиёти учун импорт ўрнини босиш даври бўлди, импорт ўрнини босишга қаратилган сиёсат Корея иқтисодиётининг давлат сектори кенгайишига имкон яратди. Ушбу сектор аввал собиқ япон капитали ва мулки ҳисобидан шаклланди, кейинчалик хорижий инвестициялар ҳисобига турли саноат корхоналари, транспорт ва алоқа обьектлари қурилди, бу эса иқтисодий инфратузилма яхшиланишига олиб келди. Бу обьектлар давлатнинг фаол тадбиркорлик фаолияти натижаси бўлди. Давлат шу билан бирга хусусий секторни қўллаб қувватлашга қаратилган сиёсат олиб борди, жумладан, йирик монополистик корхоналар – “Самсунг”, “Лаки Голдстар (LG)”, “ДЭУ”, “Хендэ” каби компаниялар шу даврда ташкил топди.

- Корея иқтисодиётида давлатнинг иқтисодий сиёсати шаклланишининг иккинчи босқичи Пак Чон Хи маъмурияти даври бўлиб, у 1961-1979 й.ларни қамраб олди. Бу давр Корея иқтисодиётининг экспортга йўналтирилганлик модели асосида жадал ривожланиш даври бўлди. Ушбу моделга хос хусусият мавжуд имкониятлардан максимал фойдаланган ҳолда маълум маҳсулот турларини, улар хатто қиёсий устунликлар берса ҳам, экспорт учун ишлаб чиқаришдан иборат бўлди. Ушбу ғояга давлатнинг барча иқтисодий вазифалари бўйсундирилган, маъмурий-бошқарув, хўжалик ва молиявий жиҳатдан мамлакат иқтисодиёти таркибини худди шундай ривожланишига рағбатлантиришга қаратилган эди. Бундай ривожланишни қўллаб-қувватлаш айниқса жаҳон бозорига чиқиш истиқболи юқори бўлган қайта ишловчи саноатга қаратилди. Бу даврда иқтисодиётни давлат

томонидан тартибга солиш тизими фаол хусусиятга эга бўлди. Иқтисодиёт ривожланишини режалаштириш мана шу даврда кенг тус олди. Иқтисодиёт ривожланишининг асосий йўналишини вазирликлар ва ташкилотлар томонидан мувофиқлаштиришда истиқболда ривожланишнинг ягона режаси ишлаб чиқилиб, бу режада кўрсатилган йўналишларга давлат корхоналари ва хусусий бизнес мослашиши керак эди, яъни давлат томонидан бошқариш тизими иқтисодий тузилманинг барча бўғинларини қамораб олган эди.

70-йилларда мамлакат ривожланишида ижобий ўзгаришлар юз берди. Миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозорида обрўси ошди, ташқи бозорга чиқиш имконияти кенгайди, экспортга йўналганлик натижасида мамлакатнинг очиқлик даражаси ортиб борди. Хусусий капиталнинг қудрати ва фаоллиги ортдийирик, жаҳон бозорида рақобатбардош монополиялар вужудга келди.

Шу билан бирга Жанубий Корея биснесининг давлат аппаратига боғлиқ эканлиги иқтисодиётнинг самарадорлиги ҳамда мослашувчанлигига путур етказди. Бюрократиянинг хўжалик фаолиятини тўлиқ назорат қилишга интилиши тадбиркорларнинг кўпчилигига, айниқса, кичик ва ўрта бизнес вакиллари орасида норозиликларга сабаб бўлди.

- Корея Республикаси иқтисодий ривожланишида учинчи босқич 1980-1987 йилларни қамраб олиб, президент Чон Ду Хван даврида давлатнинг иқтисодиётга аралашувини қисқартириш. Иқтисодиёт унча катта нитижа бермасада, иқтисодий ислоҳотлар даври бўлди.

- Тўртичи босқич 1982-1992 йилларга тўғри келади, бу даврда давлат тепасига Ро Дэ У маъмурияти келиб, аста-секин давлатнинг иқтисодиётни тартибга солувчилик ролининг камайиш даври бошланиши бўлди. Бу даврда Корея иқтисодиёти жадал суръатларда ўсиши. Қисқа давр ичida мамлакат кемасозлик, автомобилсозлик, яrim ўтказгичлар ва электроника маҳсулотларнини ишлаб чиқариш бўйича дунёда етачилар қаторидан ўрин олди. Бу даврда илмий тадқиқотларга давлат харажатларининг ўсиши, миллий хавфиззлик ва таълим тизимининг ривожланиши, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, уй-жой қурилиши қўламлари кенгайиши юз берди.

- Мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг бешинчи босқичи 1993-1997 йилларни қамраб олади. Бу даврда мамлакат иқтисодиёти ривожланишида давлатнинг аралашувини камайтириш учун кураш даври бўлди. Бундай курашнинг авж олишига иккита сабаб – ички ва ташқи сабаблар мавжуд эди. Биринчидан, 90-йиллардаги иқтисодиётда юз берган қисқариш ички омил бўлган бўлса, ташқи сабаб Кореяning жаҳон иқтисодиётидаги мавқеининг ортиб бориши ривожланган мамлакатларнинг асосий иқтисодий хусусияти иқтисодиётни эркинлаштириш муаммоси билан дуч келишига сабаб бўлди.

- Иқтисодий ривожланишнинг кейинги босқичи Осиё молиявий инқирози ва унинг оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ бўлди. 1997 йилда юз берган молиявий инқироз мамлакат иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатди. Ҳукумат ёрдам сўраб Халқаро Валюта фондига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Мамлакатнинг молиявий, корпоратив ва давлат секторларида, меҳнат бозорида кенг ислохотлар дастури амалга оширилди.

Корея Республикаси ХВФнинг қатъий талабларига жавоб бериш учун банк тизимида катта қайта қуришни амалга оширди, қатъий фискал сиёsat олиб борди, фонд бозорини хорижий компаниялар учун очиб берди. 1999 йилнинг бошида инқироз оқибатларини бартараф этиш ва иқтисодий ривожланишни инвестициялар истеъмолини қўллаб-қувватлаш, экспорт ривожланишини рағбатлантириш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга оширди. Жумладан, иқтисодиётнинг муаммоли секторларини қўшимча инвестициялаш, саноат ва хизмат соҳасига янги кредитлар бериш, банк фоиз ставкаларини камайтириш ҳамда иқтисодиётнинг реал секторини заҳира маблағлар ҳисобидан инвестициялаш каби чоралар кўрилди. Бу чоралар тез орада ўз натижасини берди ва 1999 йилдаёқ мамлакат ўз халқаро кредит қобилиятини тиклаб олди. Иқтисодиётга хорижий инвестициялар оқими кўпайди, мамлакат ХВФ берган 13,5 млрд. доллар қарзини тўлиқ тўлаб берди. Агар инқироздан аввал мамлакат валюта заҳираси 9 млрд. долл.ни ташкил этган бўлса, 2006 йилга келиб 215 млрд. долл.ни ташкил этди.

2000-2006 йилларда Корея иқтисодиёти ривожланишини турлича баҳолаш мумкин, бир томондан, инқироздан мувафақиятли чиқсан мамлакат иқтисодиётида салмоқли ўзгаришлар юз берди: ЯИМ йилига ўртача 4,9%дан ўсди (1-жадвал), саноат ишлаб чиқариши 7,5%, инвестициялар миқдори 11,0%, экспорт ҳажми 13,3%га ўсди.

1-жадвал

Корея Республикасининг 2000-2008 йиллардаги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари

	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
2000	576,2	578,7	511,8	10841	8,5	1,2	8,1	6.1	8.4	3.6
2001	592,4	600,9	482,0	10162	3,8	1,1	2.2	4.6	4.9	-9.0
2002	633,1	642,7	546,9	11493	7,0	-3,5	7.6	5.4	7.9	7.5
2003	645,8	662,7	605,2	12646	3,1	-5,5	5.5	-2.8	-1.2	-1.2
2004	671,0	693,4	667,4	14100	4,7	7,4	11.4	-0.5	-0.5	3.8
2005	675,7	720,9	695,4	15000	4,2	0,5	7.0	1.9	3.2	5.1
2006	693,3	848,0	887,5	18401	5,1	-1,5	8.4	4.1	4.5	7.8
2007	720,7	901,1	969,9	20045	5,0	1,1	6.5	4.8	4.5	7.6
2008	718,5	923,8	837,4	17700	2,5	3,5	3.3	2.3	0.5	-2.7

Манба: Корея Республикаси Миллий статистика бошқармаси.

Изоҳ: 1- ялпи ички даромад, трлн.вон; 2- ялпи ички маҳсулот, трлн.вон; 3- ялпи ички маҳсулот, млрд.долл.; 4 – аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ, минг долл.; 5 – ЯИМнинг ўсиши, %; 6- қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик ва балиқчиликнинг ўсиш суръатлари,%; 7- саноатнинг ўсиши,%; 8- хизматларнинг ўсиши,%; 9-шахсий истеъмолнинг ўсиши,%; 10-ишлаб чиқариш воситаларига харажатларнинг ўсиши,%.

Иккинчи томондан, мамлакат иқтисодиётида эркинлашув жараёни тезлашди. Натижада иқтисодиёт ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Корея 2002-2003 йилларда инқироздан аввалги даражага етди. Мамлакатга бевосита хорижий инвестициялар оқими кенгайди. Айниқса, ривожланган мамлакатлар томонидан киритилган инвестициялар қўлами кенгайди. (2-жадвал). Мамлакат иқтисодиётига киритилган бевосита инвестицияларнинг катта қисми хизмат кўрсатиши тармоқларига қўйилган инвестициялар ташкил этди. Географик жиҳатдан АҚШ, Япония ва Буюк Британиянинг инвестициялари етакчилик қилди.

2-жадвал

Жанубий Корея иқтисодиётига киритилган бевосита инвестицияларнинг тармоқ таркиби, млрд.долл.

	2006	2007	2008	2006 й.га нисбатан 2008 й.да ўсиш, %
Иқтисодиёт соҳаларига, жами	11,24	10,51	11,71	
Ишлаб чиқариш	4,25	2,69	3,0	70,5
Хизматлар	6,63	7,61	8,39	126,5
Бошқа соҳалар	0,36	0.21	0,32	88,9

Манба: Корея Республикаси Миллий статистика бошқармаси.

Мамлакат иқтисодиётига қўйилган бевосита инвестицияларнинг таҳлили 2002-2003 йилларда уларнинг оқими кескин камайганлигини ва унга боғлиқ ҳолда мақроиқтисодий қўрсаткичларнинг ҳам камайганлигини кўрсатди. Жумладан, АҚШ иқтисодиётида юз берган вазият бу мамлакатдан Кореяга бевосита инвестициялар оқимининг камайишига олиб келди (3-жадвал).

3- жадвал

Корея Республикасига киритилган хорижий инвестицияларнинг географик тақсимоти, млн.долл.

	Жами хор. инвестициялар	АҚШ	Буюк Британия	Гонгконг	Германия	Франция	Япония
2000	15541.0	2922.0	84.0	123.0	1599.0	607.0	2448.0
2001	11291.8	3890.0	432.0	167.0	459.0	426.0	772.0
2002	9101.0	4500.0	115.0	234.0	284.0	111.0	1403.0
2003	6468.0	1240.0	871.0	55.0	370.0	150.0	541.0
2004	12787.6	4717.6	642.0	90.1	487.0	180.0	2258.1
2005	11563.5	2689.8	2307.8	819.7	704.8	85.2	1878.8

Манба: Корея Республикаси Миллий статистика бошқармаси.

Корея Республикаси иқтисодиётига жаҳон молиявий – иқтисодий инқирозидан аввалги уч йил давомида киритилган бевосита хорижий инвестицияларнинг уларнинг минтақалар бўйича ҳажми деярли ўзгармаганлигини кўрсатди. Умумий тенденция 2008 йилга келиб уларнинг микдори сезиларли камайганлигини акс эттиради. Бу 2008 йилда инқирознинг бошланиши билан бевосита боғлиқдир (4-жадвал).

4-жадвал

Бевосита хорижий инвестициялар ҳажми, млн.долл.

	2005	2006	2007	2008
Жами	11563.5	11242.4	10514.4	11704.9
Америка	3107.9	1942.1	3202.2	1904.2
Осиё	3513.7	4010.4	2334.7	3280.5
Европа	4874.4	5232.9	4617.8	6477.8
Яқин Шарқ	37.2	44.2	83.6	26.8
Африка	32.2	12.9	276.2	15.6

Манба: The Export-Import Bank of Korea маълумотлари.

Шу билан бирга бу даврда мамлакатдан хорижий давлатлар иқтисодиётига катта ҳажмда бевосита инвестиция чиқаради. Инқироздан аввалги уч йил мобайнида Корея Республикаси компаниялари инвестицияларининг асосий қисми ишлаб чиқаришга кўйилганлигини кўришимиз мумкин. Географик жиҳатдан 2007 йилда мамлакат компаниялари Хитой (5,23 млрд.долл.), АҚШ (3,41 млрд.долл.), Вьетнам (1,27 млрд.долл.), Япония (518,2 млрд.долл.) каби мам лакатларнинг саноат тармоқлари, транспорт ва хизмат кўрсатиш тармоқларига киритилган.

Корея иқтисодиёти экспортга йўналтирилган, у жаҳон бозорида ўзининг юқори технологик маҳсулотлари билан етакчи ўринларда қатнашади. Лекин шу билан бирга Корея ташқи савдо балансининг 2008 йилга қадар мусбат бўлсада, 2008 йилда манфий кўрсаткичга эга бўлганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, 2005 йилда унинг ташқи савдо айланмаси 545,6 млрд.долл.ни ташкил этиб, экспорт – 284,4 млрд.долл., импорт – 261,2 млрд.долл.га тенг бўлган. 2008 йилда экспорт ва импортнинг ҳажми ўсган, лекин импорт ҳажми ортиши тезроқ юз берган, натижада мамлакат ташқи савдо баланси 13,3 млрд. долл. камомадга эга бўлган.

Шундай қилиб, икки инқироз ўртасидаги даврда Корея Республикаси иқтисодиётида ХВФ ёрдами ва ички имкониятлардан ҳамда иқтисодий салоҳиятдан тўғри фойдаланиш, самарали иқтисодий сиёsat олиб бориш натижасида ўсишга эришилди, барча макроиктисодий кўрсаткичларнинг яхшиланганлиги кўришимиз мумкин. 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иктисодий инқирози ҳам мамлакат иқтисодиётига ўз салбий

таъсири ўтказди. Давлатнинг инқироз оқибатларини бартараф этишга қаратилган сиёсати мамлакатнинг 2010 йилнинг бошларида иқтисодий ўсишни таъминлаши учун асос бўлди.

2.Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозларининг оқибатларини бартараф этиш бўйича давлат чоралари

2008-2009 йилларда юз берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига Корея Республикаси аввалги инқирозларга нисбатан тайёрланган ҳолда келди. Лекин инқирознинг глобал хусусияти бу мамлакат иқтисодиётida ҳам қисқариш юз беришига олиб келди. Корея Банкининг маълумотларига кўра, 2008 йилда мамлакат ЯИМнинг 2007 йилга нисбатан қисқариши 5,6%ни ташкил этган, 2008 йилда унинг ўсиши 2,2%ни ташкил этди. Инқироз давридаги энг катта ўсиш агросаноат мажмуасига тўғри келди. Истеъмол харажатларининг камайиши юз бериб, айниқса қиммат товарларга бўлган талаб қисқарди. 1997 йилдан бери биринчи марта савдо балансида камомад юз берди. Масалан, 2009 йилнинг биринчи чораги экспорт ҳажми 2008 йилнинг шу даврига нисбатан 33,8%га, импорт эса 30,7%га қисқарди.

Саноатнинг деярли барча тармоқларида ишлаб чиқаришнинг қисқаришини кузатиш мумкин. Натижада ишсизлик даражаси ўсади. Корея фонд бозорида ҳам бекарорлик юз берди, қимматли қоғозларни сотиш уни сотиб олишдан 29,5 млрд.доллардан кўп бўлди. Корея банклари даромадлари деярли 30%га қисқарди. Иқтисодиётдаги бундай ҳолат хукуматнинг тезлик билан инқироз оқибатларини бартараф қилишга қаратилган чоралари дастурини ишлаб чиқишга мажбур қилди. Шуни таъкидлаш керакки, 2008 йилнинг сентябрь ойидан Жанубий Корея доллар ликвидлиги инқирозини бартараф этиш учун чора тадбирлар тизимини қўллаб келмоқда. 2008 йилда глобал молиявий инқирознинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган комплекс режа ишлаб чиқилиб, унга кўра жаҳон банк тизими, валюта ва фонд бозорларида юз берган салбий ҳолатнинг таъсирини камайтиришга қаратилган чора тадбирлар қўлланиши кўзда тутилди. Бу чора-тадбирлар жумласига миллий банкларга хорижий қарзлар бўйича кафолатлар бериш, миллий валюта ликвидлигини таъминлаш, фонд бозорини

барқарорлаштириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, халқаро инқирозга қарши чора-тадбирларда қатнашиш кабилар кирди. Давлатнинг инқирозга қарши дастурига кўра зарур маблағлар давлатнинг валюта заҳираларидан олиниши кўзда тутилди.

Ҳукумат инқироздан чиқиш дастурини учта боқичга бўлиб, ҳар бир босқичнинг вазифалари белгиланди: биринчи босқич “яшаш учун кураш” босқичи бўлиб, унда қўйидаги вазифалар қўйилди:

- ликвидликни таъминлаш;
- ўз вақтида амалга оширилувчи молиявий экспансия;
- янги иш жойларини яратиш;
- ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш.

Иккинчи босқич “инқироздан чиқиш” даври бўлиб, унда қўйидагиларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- иқтисодиётни реструктуризация қилиш;
- инсон ресурсларини ривожлантириш;
- давлатнинг янги “яшил” сиёсати
- давлат секторини қисқартириш.

Учинчи босқич “ўсиш” босқичи бўлиб, унда қўйидаги йўналишда фаолият олиб борилади:

- фан техника тараққиётига инвестицияларни кенгайтириш;
- янги иқтисодий ўсиш омилларини ишга солиш;
- экологик жиҳатдан тоза ишлаб чиқаришни ривожлантириш;
- глобаллашув шароитларига мослашув.

Корея Республикаси ҳукумати инқирозга қарши дастурида қўйидаги олтита йўналиш бўйича иш олиб боришни режалаштириди:


- молиявий рағбатлар пакети;
- валюта ликвидлигини таъминлаш;
- молиявий бозорни барқарорлаштириш;
- янги иш жойларини яратиш ва кадрларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш;
- кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлаш;

- қурилиш секторини қўллаб-куватлаш.

Моливий рағбатлар пакети биринчидан солиқлар ставкасини пасайтиришни қўзда тутса, иккинчидан, давлат томонидан молия ва ишлаб чиқариш секторини қўллаб-куватлаш учун 16 трлн. вон микдорида маблағ ажратилди. Шу билан бирга давлатнинг солиқларни камайтириш натижасида компаниялар 35,3 трлн. вон микдорида харажатлари камайди. Шу билан бирга юқори даромадга эга йирик корпорацияларга берилган солиқ имтиёzlари бекор қилинди, асосий фондларга инвестиция қилган корпорациялар эса имтиёzlарга эга бўлди.


Таъкидлаш лозимки, мамлакатнинг давлат қарз мажбуриятлари бошқа ривожланган мамлакатларга нисбатан анча кам эди (2008 й. 32,6%). «Йигирмалар гурухига» аъзо мамлакатларнинг ичида ташқи қарзларнинг ЯИМдаги ҳиссаси бўйича мамлакат еттинчи ўринни эгаллайди. (1-диаграмма).

Халқаро Валюта Фондининг (ХВФ) маълумотларига кўра, мамлакатнинг қарзлари ЯИМнинг 32,4 %ни ташкил этди. Бу кўрсаткич гурухга кирувчи мамлакатларнинг ўртacha кўрсаткичига (72%) нисбатан анча кам. ХВФнинг ҳисоб-китобларига қараганда 2010 йилнинг охирига қадар Корея ташқи қарзлари ортиб боради, лекин 2014 йилда у тахминан 29%ни ташкил этади.




1-диаграмма. Давлатларнинг қарз мажбуриятлари, ЯИМга нисбатан %да.

Бу ҳолат давлат харажатларини кўпайтириш имкониятини берди, унинг молиявий экспансияси ҳажми 51,3 трлн.вонни ташкил этди. Валюта ликвидлигини таъминлаш ҳамда валюта заҳирасининг кескин камайиб кетишининг олдини олиш бўйича қатор чора тадбирлар амалга оширилди.



2- диаграмма. Мамлакат олтин-валюта заҳираларининг ўсиши, млрд.долл.




Жумладан, 2009 йилнинг ўрталарига келиб мамлакат олтин-валюта заҳиралари 237,51 млрд.долл.га етди, бу сўнгги 10 ичидаги рекорд ўсиш эди. Валюта заҳиралари бўйича 2009 йилда мамлакат дунёда Хитой, Япония, Россия, Тайван ва Ҳиндистондан кейинги олтинчи ўринни эгаллади. Мамлакат олтин-валюта заҳиралари ҳақида маълумот 2 ва 3 диаграммаларда келтирилган.

3- диаграмма. Баъзи мамлакатлар олтин-валюта заҳиралари, млрд.долл.

Шу билан бирга мамлакатда моливий бозор барқарорлигини таъминлаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Корея Банки қайта молиялаштириш ставкалари камайтирилди, 2008 йилнинг

сентябрь ойларида бу кўрсаткич 5,3%га тенг бўлган бўлса, 2009 йилга келиб у 2% атрофида белгиланди.



4- диаграмма. Корея Банки фоиз ставкаларининг ўзгариши.

Инқироз даврида аҳолининг иш билан бандлиги даражаси камайиб бориб. 2009 йилда ишсизлик даражаси ортиб борди, яъни 0,3%дан 3,6%гача кўтарилиди. Давлатнинг инқирозга қарши дастурида ишсизликни қисқартириш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича қатор чоралар белгиланган бўлиб, унинг жумласига давлат секторида ёшлар учун 23 мингта ва кичик ва ўрта бизнесда 25 мингта иш жойларини яратиш, 126 мингда иш жойи жамоатчилик ишларини ташкил этиш кўзда тутилганлигини киритиш мумкин. Кадрларни иш билан таъминлаш учун маҳсус кадрлар тайёрлаш дастури қабул қилинди ва унга кўра икки дастур – “келажакдаги ўсишни таъминловчилар дастури” ҳамда “Жаҳонда етакчилик дастурлари” асосида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш амалга ошилди. Бу йўналишда амалга оширилган янги курс – Яшил стратегиядир, унга кўра зарур инфратузилмани шакллантирувчи, технологияларни ривожлантиш асосида янги иш ўринларини яратувчи компанияларга Корея ривожланиш банки томонидан 10 трлн.вон маблағ ажратилди.

Янги иш жойларини яратиш учун яшил технологиялар

Экологик тоза инфратузилмани шакллантириш учун харажатлар 50 млн. вон

2009-2012 йиллар давомида 960 мингта янги иш жойларини яратиш

Инфратузилмани ривожлантириш	4 йирик дарёни экологик тиклаш
	Транзитнинг экологик тоза тизимини шакллантириш
	Иқтисодий минтақалар учун инфратузилма
Технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш	Альтернатив сув ресурслари
	Кам углерод чиқарувчи технологиилар
	Информацион технологияларга инвестициялар
Табиий муҳит	Биомасса
	Экологик турар-жой

5-диаграмма. Яшил технологииларни ривожлантириш йўли билан янги иш жойларини яратиш

Инқироз шароитида мамлакат кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-кувватлаш учун бир қатор чора тадбирларни қўллади. Жумладан, банклар томонидан кредитларни беришни осонлаштирилди. Давлат банклари томонидан кредитлаш учун қўшимча 14 трл. вон берилиб, умумий кредит ҳажми 68. трл. вонга етказилди. Давлатга қарашли бўлмаган банклар томонидан берилувчи кредитларни кафолатлаш учун қўшимча 12 трл.вон ажратилди. Шу билан бирга давлат банкларга кичик корхоналарга беришда қўмак қўрсатиш билан бирга, синиш арафасида бўлган корхоналарни кутқармаслик кераклигини таъкидлаган. Корхоналар ликвидлиги бўйича қарорлар қабул қилиш муддати қисқартирилиб, у 3 ойдан 15 кунда етказилди. Корхоналар ликвидлик даражасига кўра тўртта гуруҳ – А, В, С, D гурухларига ажратилиб, биринчи гуруҳдаги корхоналар ишончли. Иккинчи гуруҳдаги корхоналар ҳолати қисман хавфли бўлиб, бу икки гурухга кирувчи корхона қўллаб-кувватланиши керак бўлади. Учинчи гурухга хавф даражаси катта. Лекин фаолиятни тиклаш мумкин бўлган корхоналар киради, бундай корхоналарни соғломлаштириш кўзда тутилди. D гурухга кирувчи корхоналарни тиклаш мумкин эмас. Улар банкрот деб эълон қилинди.

Бу шароитда Корея ҳукумати кичик ва ўрта бизнес соҳасида янги иш жойларини яратиш мақсадида маҳаллий саноатни ривожлантиришнинг қисқа муддатли дастурларини амалга оширди.

Корея Республикасининг инқирозга қарши дастурининг яна бир йўналиши - қурилиш секторини қўллаб-қувватлашдан иборат. Унга кўра икки йўналишда иш олиб борилди, биринчидан, қурилиш компанияларини қўллаб қувватлаш ва иккинчидан, реал кўчмас мулк бозорини ривожлантириш бўйича тадбирлар белгиланди.

Қурилиш компаниялари ҳам кичик корхоналари сингари 4 грухга бўлинди ва хавф даражасига кўра уларга ёрдам берилди, бу ёрдам асосан банк тизими воситасида амалга оширилди. Кўчмас мулк бозорини ривожлантириш мақсадида давлат томонидан сотилмай қолган уйларни сотиб олиш, давлат банклари маблағларини қўшиш йўли билан ипотека кредитлари бўйича фоизларни камайтириш ва давлатнинг қурилиш секторига аралашувини босқичма-босқич камайтириб бориш чоралари кўрилди.

3. Давлат корхоналарини таркибий қайта қуриш – инқироз таъсирини камайтириш омили сифатида

Корея Республикаси ҳукумати инқирозга қарши дастурининг асосини 2008 йилнинг августида қабул қилган “Давлат корхоналарини ислоҳ қилиш: бошқарувнинг самарали таркибини яратиш режаси” («The Reform Plan for Public Firms: Creating a More Efficient Management Structure») ташкил этди. Ушбу режанинг асосий вазифалари қаторига 105 та компанияни хусусийлаштириш ва бирлаштириш, 69 та компания бошқарувини яхшилаш, 132 та компанияларнинг филиалларини таркибий қайта қуриш, корпоратив бошқарув сифатини ошириш, информаяцияларни очиш, иш ҳақининг табақалашган тизимини қўллаш, иш ҳақи фондига харажатларни қисқартириш вазифалари киритилди.

Қабул қилинган режанинг асосий талаблари қуйидагилардан иборат бўлди:

- 2009 йил давомида хусусийлаштириш жараёнларини амалга ошириш ва активларни сотиш;
- режа асосан амалга ошириувчи, манфаатдор томонларнинг фаол қатнашуви асосида корхоналарни бирлаштириш;

- 2012 йилгача иш ўринларини ва иш ҳақига харажатларни қисқартириш;
- Дастанда қатнашувчи компанияларнинг амалга оширилган ишлар бўйича ҳар ҳафта Молия ва стратегиялар вазирлигига ҳисобот бериб бориш.

Ушбу дастанни амалга ошириш натижасида корпорацияларнинг фаолияти ихтисослигига боғлиқ бўлмаган вазифаларни аутсорсинг тизими яратиш, бундай активларни хусусий секторга сотиш, филиал ва шуъба корхоналарни қисқартириш, иш ҳақи фонди ва ишловчилар сонини 10% кўзда тутилган. Режага асосан иш ҳақининг табақалашган тизими қўлланилади, яъни меъёрий иш ҳақи, йиллик иш ҳақи, меҳнатига кўра ҳақ тўлаш тизимлари тизимлари қўлланила бошлади. Шу билан бирга компаниялар ҳақида ахборот беришга қўшимча талаблар ўрнатилди, корхоналар ҳар уч ойда бир марта қайта тайёрлаш дастанлари, бошланғич иш ҳақи, ижтимоий жавобгарлик учун харажатлар, раҳбариятнинг хорижий сафарлари, давлат инвестициялари бизнес самарадорлиги баҳолари, касаба қўмитасининг фаолияти каби тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши керак бўлди. Нотўғри ахборот берувчи компаниялар бўйича маълумот All Public Information in One // www.alio.go.kr) тизимида эълон қилиб борилиши кўрсатилди. Корхоналарни таркибий қайта қуриш дастури глобал молиявий инқироз оқибатларини бартарф этишга қаратилган тўртинчи дастан эди. 2008 йилнинг ноябрь ойида шунингдек, давлат банкларини хусусийлаштириш имкониятини берувчи қонуний хужжат имзоланди.

Корея Республикаси президенти Ли Мен Бак томонидан “747” дастанига инқироз туфайли ўзгартиришлар киритиш зарурияти вужудга келди. Натижада Корея Республикасининг инқирозга қарши чоралар ва 2018 йилгача ривожланиши дастури «New Growth Engines Initiative» (“Янги ўсиш босқичлари ташаббуслари”) шаклланиб, у “747” дастури билан узвий боғлиқdir. Шу билан бирга янги дастанни амалга ошириш учун давлат томонидан 5,48 млрд. доллар ажратилди. Инқирозга қарши дастан доирасида хусусий секторга 68,4 млрд доллар инвестициялар киритиш кўзда тутилди, бундай инвестиция хусусий секторда ишлаб чиқариш ҳажмини 2008 йилдаги

116 млрд. доллардан 2013 йилга келиб 253 млрд.долл.га ортиши кутилди. экспорт ҳажми 2009 йилдаги 120,8 млрд.долл.дан 2013 йилга келиб 306,9 млрд.долл.га, 2018 йилда 795,4 млрд. долларга етиши керак.

Дастур бўйича 22 та тармоқдаги устувор лойиҳалар 6 та гурухга бирлаштирилди: энергетика ва табиий мұхитни ҳимоя қилиш; транспорт тизими; янги ахборот технологиялари; интеграциялашган саноатда янги ишланмалар; биосаноат; инновацион фаолият.

Биринчи ушбу гурухларнинг ўзи бир қанча йўналишларни ўз ичига олиб, биринчи гурухга тоза кўмирни истеъмол қилиш, океан биоресурсларидан биоёнилғи ишлаб чиқариш; қуёш энергиясидан фойдаланиш, кислород ангидриддан тозалаш, янги авлод муқобил энергия манбаларини топиш, атом энергетикасини ривожлантириш. Энергетика ва биоёнилғи ишлаб чиқариш соҳасига дастур бўйича 22,9 млрд.долл. киритиш кўзда тутилиб, бу соҳада йилига 80 млн. баррел биоёнилғи ишлаб чиқариш, 150 мингта янги иш ўринларини яратиш, 2018 йилга келиб нефт маҳсулотларини истемол қилишни 43,3%га қисқартириш кўзда тутилган.

Иккинчи гурухга биологик тоза транспорт ишлаб чиқариш, кемасозлик ва океан тизимларини ривожлантириш вазифалари қўйилиб, транспорт тизимини ривожлантиришда автоматлаштирилган тизимлар ва технологияларни шакллантириш, денгиз кемаларининг қирғоқ инфратузилмаси билан ўзаро алоқасини ривожлантиришга қаратилган янгиликларни қўллаш кўзда тутилган. Транспортни ривожлантиришга йўналтирилган давлат тўғридан-тўғри инвестициялари 5 йил ичida 1 млрд.долларни ташкил этади.

Шуни таъкидлаш керакки, автомобилсозлик ва кемасозлик давлат иқтисодий сиёсатида етакчи тармоқ бўлиб ҳисобланиб, ҳозирги пайтда дунё кемасозлигининг 40%ни ташкил этади.

Кемасозлик ва денгиз индустриясини қўллаб-қувватлаш, йирик тоннажли флот чуқур мобил причаллар қуриш учун давлат томонидан 500 млн. доллар ажратилди.

Учинчи гурухга ярим ўтказгичли тизимлар, янги авлод дисплейлари, мобил телефонлари, янги ёритиш технологиялари, янги логистика тизимларини ривожлантириш кириб, бу тармоқларга давлат беш йил ичидага 21,2 млрд. доллар ажратишни кўзда тутди. Бу борада амалга оширилувчи энг муҳим йўналиш хотира учун ярим ўтказгичлар ва чипларни ишлаб чиқиш бўлиб, бу лойиҳалар учун ажратилган маблағнинг ярми – 10,1 млрд. доллар мўлжалланган.

Тўртинчи гурухга роботлаштириш, янги материаллар ва нанотехнология, инновацион технологиялар, янги маҳсулотлар ва жараёнлар, телекоммуникация технологияларини ривожлантириш киритилиб, бу мақсадларда ҳукумат томонидан 25,9 млрд. долл. Ҳажмда инвестиция ажратилади. Янги материалларни ишлаб чиқариш ва жорий қилиш учун беш йил ичидага 9,5 млрд. долл., телекоммуникацияларни ривожлантириш учун 14,0 14 млрд. долл. ажратилди. Фақатгина автомалаштирилган линияларни жорий этишдан 2020 йилга келиб 420 млрд. долл. иқтисодий самарага эга бўлиш, умуман бу соҳаларда янада юқори технологик даражага чиқиш кўзда тутилган.

Йўналишларнинг бешинчи гурухига янги тиббиёт ва тиббиёт ускуналарини янги авлодини ишлаб чиқариш киритилган. Бу мақсадда ҳукумат томонидан беш йил ичидага 677 млн. долл. инвестициялар киритиш кўзда тутилган. Янги дори-дармонлар ишлаб чиқиш, уларнинг экспортини кенгайтириш масаласи кўтарилилган бўлиб, Корея республикасида бу маҳсулот турларининг импортини қисқартириш масаласи кўйилган.

Олтинчи гурухга лойиҳалаштириш, юмшоқ материаллар, медицина хизмати, маданият ва маънавият соҳаларидағи тадқиқотлар ва ишлар киритилган бўлиб, уларнинг асосий мақсади мамлакат аҳолиси турмуш даражасини янада кўтаришдир.


Юқорида санаб ўтилган йўналишларда олиб борилган ишлар ҳозирданоқ мамлакатнинг юқори технологик ривожланиш даражасига кириб боришига сабаб бўлди. Жумладан, халқаро инновациялар рейтингида Корея республикаси жуда қисқа муддатда етакчилардан бирига айланди.(5-жадвал)

Халқаро инновация индексининг ўзгариши

мамлакат	Мамлакат ўрни	
	2007~2008	2008~2009
Корея	19	6
Япония	4	9
Хитой	29	37

Манба: Корея Республикаси Миллий статистика бошқармаси

Умуман шуни таъкидлаш лозимки, Корея Республикаси ҳукуматининг жаҳон молиявий-иктисодий инқизози оқибатларини бартараф этиш ва таъсирини камайтиришга қаратилган дастурининг муҳим йўналиши – давлатнинг фаол инвестиция сиёсатидир. Ҳар бир йўналиш – янги ўсиш ва яшил ўсиш дастурларида инвестиция устуворликлари аниқ белгиланган ва амалга оширилмоқда. 2009 йилда инвестицияларнинг ўсиши 3,7%ни ташкил этди. Натижада давлатнинг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари бошқа мамлакатларга нисбатан яхши бўлганлигини кузатиш мумкин. Масалан, давлат харажатларининг катта бўлганлигига фарамай, фақат бюджет камомади кўрсаткичини олсак, 2009 йилнинг бошида мамлакат бюджети актив сальдога эга бўлганлигини кўришимиз мумкин.



6-диаграмма. Корея Республикаси бюджет сальдоси, ЯИМга нисбатан %да

Корея хукумати мамлакат ичида инқироз оқибатларини бартараф этиш билан биргаликда, дунёнинг йирик 20 та мамлакати билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида ҳам иш олиб борди, шунингдек минтақавий ҳамкорлик – Хитой ва Япония билан минтақавий ҳамкорликни муҳтаҳкамлашга қаратилган тадбирларни белгилади. Бу ерда аввало 20 лар гуруҳидаги мамлакатлар билан икки томонлама своп операцияларининг схемасини янада кенгайтириш бўлса, иккинчиси Осиё –Тинч океани минтақасида “Чиангмай ташаббуси” доирасида фаолиятни давом эттириш бўлди.

Бундан ташқари Корея хукумати Шарқий Осиёнинг баъзи мамлакатлари билан эркин савдо тўғрисида шартнома тузишни режалаштирган: Хитой билан – 2010 йилда, Ҳиндистон ва Австралия билан 2011 йилда, Япония билан 2012 йилда бундай шартномалар тузиш кўзда тутилган. ASEANга аъзо бошқа мамлакатлар билан бундай шартномалар аввал тузилган.

Шундай қилиб, 1997 йилдаги молиявий инқирозлардан тўғри хулоса чиқарган Корея Республикаси хукумати ҳозирги даврда юз бераётган инқирозга яхши тайёргарлик билан келди, натижада хукумат томонидан кўрилган чора-тадбирлар мамлакатда 2009 йилда 3%дан ортиқ иқтисодий ўсиш юз берганлигига олиб келди.

Хуроса

Корея Республикаси хукуматининг ҳозирги даврда юз берадиган инқирозга қарши сиёсатини ўрганиш ва амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни таҳлил этиш асосида қўйидаги хуросаларга келинди:

2008-2009 йилларда давом этган жаҳон молиявий-иктисодий инқирози дунёning барча ривожланган мамлакатларининг молиявий тизимиға жиддий таъсир кўрсатди ва турли мамлакатлар иқтисодиётига зарар келтирди. Аввал банк тизимлари, фонд бозорлари зарар кўрди, ликвидлик инқирози юз берди. Кўпчилик корхона ва кредит ташкилотларининг синиши тадбиркорлик фаоллигига салбий таъсир кўрсатди ва ишлаб чиқаришнинг қисқариши юз берди, бунинг натижасида кўплаб инвестиция лойиҳалари амалга оширилмади, иш ўринлари қисқарди. Инқироз жаҳон хўжалик тизимиға у ёки бу даражада қўшилган миллий иқтисодиётларга, ташки савдо муносабатларига салбий таъсир кўрсатди. Юзага келган вазият ривожланган мамлакатлар ҳукуматларини инқироздан чиқиш йўлларини излаш мақсадида кучларини бирлаштириш, шунингдек, ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва миллий иқтисодиётни барқарорлаштириш вазифасини ҳал этиш учун ички имкониятлари ва салоҳиятидан фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Бу маънода Корея Республикаси хукуматининг инқирозга қарши дастурини ўрганиш муҳим бўлиб, унинг асосини инновацион ёндашув, кучли молиявий заҳира ва миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш қобилияти ташкил этади.

Корея Республикаси Осиё-Тинч океани минтақасининг энг жадал ривожланаётган ва юқори салоҳиятли иқтисодиётга эга мамлакатлардан ҳисобланиб, ҳозирги кунда у ЯИМнинг номинал қиймати бўйича ОТМда 4-дунёда 10-ўринни эгаллайди. Шунга қарамай ЯИМнинг йилига 4% атрофига ўсиши ва 2008 йилда бошланган жаҳон-моливий иқтисодий инқирози мамлакатда иқтисодий ривожланиш масалалари, молия ва ташки савдо соҳасида халқаро муносабатларни кенгайтириш, инқироз жараёни оқибатларини бартараф этиш мамлакат олдига талай тезликда ҳал қилиниши зарур бўлган масалаларни қўйди.

Корея Республикаси хукумати инқирозга қарши дастурида қуйидаги олтита йўналиш бўйича иш олиб боришни режалаштириди:

- молиявий рағбатлар пакети;
- валюта ликвидлигини таъминлаш;
- молиявий бозорни барқарорлаштириш;
- янги иш жойларини яратиш ва кадрларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш;
- кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлаш;
- қурилиш секторини қўллаб-қувватлаш.

Корея Республикаси хукумати инқирозга қарши дастурининг асосини 2008 йилнинг августида қабул қилган “Давлат корхоналарини ислоҳ қилиш: бошқарувнинг самарали таркибини яратиш режаси” («The Reform Plan for Public Firms: Creating a More Efficient Management Structure») ташкил этди.

Корея хукумати мамлакат ичida инқироз оқибатларини бартараф этиш билан биргаликда, дунёning йирик 20 та мамлакати билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида ҳам иш олиб борди, шунингдек минтақавий ҳамкорлик – Хитой ва Япония билан минтақавий ҳамкорликни муҳтаҳкамлашга қаратилган тадбирларни белгилади.

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Навоий вилотида эркин индуцирал-иктисодий зона ташкил этиш тўғрисида фармони “Халқ сўзи, 2008 йил 4 декабр.
3. Appleyard, Dennis R.; Field Alfred J. Jr. International Economics. Trade theory and policy. — 3nd ed. — Chi., Irwin, 1998.
4. www.wto.org
5. www.iie.com
6. www.imf.org
7. www.unicc.org
8. www.rbcdaily.ru
9. The cost of too much credit (The consequences of South Koreans' credit-fuelled spending spree)// The Economist, -2004.-Jan 8th.-p.23-24.
10. english.mofe.go.kr/main.php /Министерство финансов и экономики Южной Кореи, англ.
11. okoree.narod.ru/
12. www.adb.org/
13. www.cia.org/
14. www.infokorea.ru
15. www.korea.net/
16. www.koreaemb.ru/russian/
17. www.koreaherald.co.kr/
18. www.koreana.ru/
19. www.nso.go.kr/eng/
20. www.russian-embassy.org/
21. www.vestnik.tripod.com